




# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 12 август ● сешанба ● № 35 (594) ● e-mail: inson\_va\_qonun@mail.ru



## Ислон КАРИМОВ:

*Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажакимиз гаровидир.*

### ● Истиқлолнома

Эркин  
ВОҲИДОВ,  
Ўзбекистон  
Қаҳрамони,  
Халқ шоири



## КАМОЛИНГ МУБОРАК

*Камалинг муборак бўлсин, Истиқлол,  
Йигит ёшга етган навқирон юртим.  
Эзгу умид билан экилан нихол  
Тотли ҳосилини, шукрки, кўрдим.*

*Шукрки, долғали йўллардан бориб,  
Шу обод кунларга етдик ал-амон.  
Биз шундай яшадик:  
Эликда қариб  
Етмишга етганда бўлдик навқирон.*

## ХУРРИЯТ

*Хуррият — номус-ор, нафсониятдир,  
Қадрин билган элга мангу ниятдир.  
Хурриятнинг ўзи тайёр бахт эмас,  
Бахт учун энг буюк имкониятдир.*


*Хурриятга ишонч, саботинг керак,  
Журъатинг, парвозинг, қанотинг керак.  
Ватан хуррияти учун ҳамisha  
Фидоликка тайёр ҳаётинг керак.*

2008 йил 11 август

## ДУНЁ НИГОҲИНИ ТОРТТАН ЮРТ



Хорижликлар ҳайрати



Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар

### ● Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдида

## ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ

жаҳоннинг ривожланган театрлари қаторида муносиб ўринга эга

Пойтахтимиз марказида ўзига хос кўрку салобати билан диққатингизни тортувчи гўзал ва ҳашаматли обида — Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри биноси жойлашган. Мазкур театр ҳамisha ўз томошабинларига эга. Бу ерга шахримиз меҳнаткашлари, зиёлилар, талаба ва ўқувчилар, хуллас, ҳар куни юзлаб томошабинлар ўзбек бастакорлари асарлари ва мумтоз операларни тинглаб, балет санъатини завқ билан томоша қилгани келадилар.

Мумтоз санъат дурдонаси бўлиб пойтахтимиз кўркига кўрк қўшиб турган ушбу бино лойиҳаси учун 1939 йилда танлов эълон қилинади. Унда Москва ва Тошкент меъморлари иштирок этишган. Танловда А.В.Шчусев лойиҳаси голиб топилди. Аҳоли "Пиён-бозор" деб атайдиган савдо расталаридан иборат бўлган шаҳар марказидаги "Воскресенье" бозори майдони бино қурилиши учун танланади. 1939 йилда бошланган бунёдкорлик ишлари Иккинчи жаҳон уруши туфайли 1942 йилда вақтинча тўхтатилиб, 1944 йилга келиб яна давом эттирилади. Уша пайтда ўзбек зиёлиларининг опера театри

биносининг қиёфасида миллий қурилиш маданияти ва унинг кўп асрлик анъаналари ўз ифодасини топиши зарурлиги ҳақидаги фикрлари инobatта олиниб, бу ишга халқ усталари жалб қилинади. Фойе заллари ва томоша залида Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хоразм, Термиз, Фарғона шаҳарлари меъморчилик мактабларининг ўзига хос хусусиятлари акс этадиган бўлди. Томоша зали ва иккинчи қаватдаги фойенинг пардозида халқ усталарининг бетакрор санъати ва таниқли рассом Чингиз Ахмаровнинг меъморий анъаналар асосидаги ижодий гоёлари ифодаланади. Кири-

тилган барча ўзгартишлар, халқ усталарининг лойиҳалари А.Шчусевга маъқул келади. Беаш ишларида Уста Ширин Муродов, Уста Кули

Жалилов, Болта Абдуллаев, Тошпўлат Арслонқулов, Саидахмад Нарзикулов, Уста Ниғматов каби таниқли халқ усталари иштирок этдилар.



### ● Дикқат, танлов!

## "АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ ОАВ НИГОҲИДА"

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва мақсадларини кенг жамоатчиликка халқчил тилда етказиш, адлия тизими томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган тадбирларни марказий ва маҳаллий телевидение, радио, босма нашрлар ҳамда интернет саҳифаларида мазмундор ва сифатли ёритилишига эришиш мақсадида "АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ ОАВ НИГОҲИДА" кўрик-танлови ўтказилади. Танловга иштирокчилар томонидан тақдим этилган 2008 йилнинг 1 июнидан 1 декабригача бўлган даврда газета, журнал, интернет нашрларида эълон қилинган ўзбек, рус ёхуд қорақалпоқ тилидаги мақолалар, телевидение ва радиода эфирга узатилган материаллар ёзилган аудиокассеталар қабул қилинади.

а) ёритилаётган масаланинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятини очиш даражаси ва унинг мазмуни;  
б) материалнинг мавзуга доирлиги ва тушунарли берилиши;  
в) материалнинг жозибадор ва ўзига хос берилиши;  
г) суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг аҳамияти кенгрок очиб берилганлиги;  
д) Адлия вазирлиги тизими таркибига кирувчи муассасалар томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ва уларнинг натижаси таҳлили;  
е) қонун ҳужжатларини тарғиб этиш ва кенг жамоатчиликка уларнинг моҳияти ва мақсадларини халқчил тилда етказиш.

### ● Адлия ёрдам берди

Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлар ва бошқа касб эгаларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ибратли ишлар қилинапти.

## МАБЛАҒ ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Жумладан, Зарафшон шаҳридаги "Қизилқумолтин" футбол клуби ўз эҳтиёжлари учун 2007 йилнинг 20 апрелида хориждан олиб келган ва 2 та "МА3-555102-220" русумли "Амкодор-352" юк-лаш воситаси юк автомашинаси ва битта учун қонунчиликда белгиланган имтиёзлар қўлланилган ҳолда расмийлаштириб берилиши лозим бўлса-да, Навоий вилояти божхона бошқармаси томонидан расмийлаштирилмасдан бир неча ой давомида асосиз ушлаб турилган. Вилоят адлия бошқармасининг мазкур транспорт воситаларига Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 31 мартда давлат рўйхатидан ўтказилган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудига

олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхати"га асосан божхона тўловларидан озод қилиш ҳақидаги имтиёзни қўлаб, ушбу воситаларни расмийлаштириб бериш тўғрисидаги тақдимномасига божхона бошқармаси имтиёзлар қўллаши рад этиб, жавоб йўллаш билан қиёфаланиб қўя қолди. Натижанда "Қизилқумолтин" футбол клуби бож тўловларини мажбуран тўлади. Кўп ўтмай, Навоий вилояти хўжалик судининг 8 октябрдаги ҳал қилув қарори билан адлия бошқармасининг бу хусусдаги давво аризаси қаноатлантирилиб, асосиз ундирилган 37,9 миллион сўм

микдордаги пул маблағлари футбол клубига қайтарилган бўлди.

Бундан норози бўлган вилоят божхона бошқармаси ушбу ҳал қилув қарори устидан кассация шикоятини киритгач, мазкур шикоят Олий хўжалик судида кўриб чиқилди. Иш айрим ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида янгидан кўриб чиқиш учун вилоят хўжалик судига юборилди. Вилоят хўжалик суди ишони қайтадан кўриб чиқиб, адолатли қарор қабул қилди. Лекин ҳал қилув қарорининг ижроси таъминланади. Мазкур ҳал қилув қарори устидан яна кассация шикояти киритилди. Кассация шикояти Олий хўжалик судида кўриб чиқилди. Иш айрим ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида янгидан кўриб чиқиш учун вилоят хўжалик судининг жорий йил 26 февралдаги ҳал қилув қарори ўзгартирилди, божхона бошқармасининг кассация шикояти эса қаноатлантирилмасдан қолдирилди. Навоий вилояти хўжалик судининг ижро варақаси ижроси таъминланиб, "Қизилқумолтин" футбол клубига 37 500 394 68 сўм ундириб берилди ва адолат қарор топди.

Фарҳод КАЗАКОВ,  
Навоий вилояти адлия  
бошқарма ходими

## МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА

### ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИГА ТОПШИРИЛАДИ

"Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасининг 2008 йил 24 июндаги 29-сонида chop этилган "Гов ёки Оҳангарон туманида содир этилган айрим машамалар хусусида" мақоласи бўйича текширув ўтказилди.

"Холмуродхон-Мирзамуродхон" фермер хўжалигидан олиб кўйилган ер майдони Оҳангарон тумани ҳокимининг 2007 йил 6 сентябрдаги 707/2-сонли хатига асосан танлов ўтказилгунга қадар, ерни ҳайдаш, моллаш ҳамда галла экишга тайёрлаш ишларини бажариш учун фуқаро Х.Абдужалиловга вақтинчалик бериб қайтариб берилган.

Мазкур ер майдони хўжалик судининг қарорига асосан, "Холмуродхон-Мирзамуродхон" фермер хўжалиги иштирокида қолдирилган ва бу ҳақда фермер хўжалиги раҳбари М.Холмуродовга маълум қилинган.

Фуқаро Х.Абдужалилов "Оҳангарондон" ОАЖ билан контрактация шартномаси тузиб, ушбу ер майдонида 2008 йил ҳосили учун галла ва бошқа экинлар эканилиги сабабли, Х.Абдужалилов билан М.Холмуродовнинг ўзаро келишувига қўра, галла ва бошқа экинлар ўриб-йиғиб олингандан сўнг, низоли ер майдони "Холмуродхон-Мирзамуродхон" фермер хўжалигига топширишга келишилган.

Б.ХЎЖАЕВ,  
Тошкент вилояти прокурорининг  
биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

Бугун Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси республикамиз мустақилликка эришгандан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатдир.

Шуни қайд этиш лозимки, мазкур Декларация тенг ҳуқуқлилик тамойилига асосланиб яратилган, яъни "Ҳамма одамлар ўз кадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар... ҳар бир инсон ирки, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан қатъи на-

ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги беш стратегик йўналиш белгилаб олинган: **Биринчиси**, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаш; **Иккинчиси**, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро

# ИНСОН ЭРКИНЛИКЛАРИ ПОЙДЕВОРИ

зар, ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқлар ва барча эркинликка эга бўлиши зарур... Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 60 та халқаро ҳужжатга қўшилди, бундан ташқари, БМТ томонидан мазкур соҳада қабул қилинган 6 та асосий халқаро шартнома иштирокчисига айланди. Маълумки, 2008 йил 1 майда Президентимизнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонда республикамизнинг барча жабхаларида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирларнинг амалга ошириш кўзда тутилган. Юртимизда инсон

ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва меъёрлари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш; **учинчиси**, қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларида қонун устуворлигини таъминлаш; **тўртинчиси**, судлов ишларини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлаштириш; **бешинчиси**, аҳоли, айниқса, ёшлар ва мансабдор шахслар ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тўдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш. Мазкур декларация қондалари инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган

# Адлия минбари



миллий қонунчилигимиз меъёрларида ўз ифодасини топган. Демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишда давлатимиз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида бир қанча давлат дастурларини қабул қилди ва ҳаётга татбиқ этди. "Инсон манфаатлари йили", "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Қарияларни амал қилиш механизмини ишлаб чиқиш йили", "Обод маҳалла йили", "Меҳр ва мурувват йили", "Сиҳат-саломатлик йили", "Ҳомийлар ва шифокорлар йили", "Ижтимоий ҳимоя йили", "Ёшлар йили" шулар жумласидандир. Мазкур дастурларнинг амалга оширилиши давлатимизда инсоннинг, аввало, болалар, қариялар, аёллар, ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий, қилаверса, сиёсий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нақадар устуворлигидан далolatдир.

**Дилмурод САЪДУЛЛАЕВ,**  
**Адлия вазирлиги масъул ходими,**  
**Нозима ҒАФУРОВА,**  
**ТДЮИ ўқитувчиси**



## ННТлар ВА ҚОНУНЧИЛИК

Сирдарё вилояти маънавият ва маърифат марказида вилоят адлия бошқармаси ташаббусига кўра Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали билан ҳамкорликда "ННТлар фаолияти кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг амалга татбиқ этилиши: ютуқлар ва истикболлар" мавзусида амалий семинар ўтказилди. Тадбирда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ННТлар фаолиятини тартибга солишда қонунчилик, қонунчиликка киритилган қўшимча ва ўзгаришлар билан янада кенгрок таништирилди ҳамда Қонунга мувофиқ ННТлар учун яратилган имкониятлар, нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш механизмларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришда жамиятнинг барча аъзолари қатъий қонунчилик талабларига риоя этиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди. Анжуманда маърузачилар нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан савол-жавоб батафсил жавоб беришди.

**Абдуғаффор ОМОНБОВЕВ,**  
**"Инсон ва қонун" мухбири**

## НОТАРИАТ ЎРНИ

Наманган вилояти адлия бошқармаси Қосонсой тумани ҳокимлигида вилоят ҳужжатлари ва фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди билан ҳамкорликда "Нотариат тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ нотариал ҳаракатлар ва уларнинг амалга оширишнинг асосий қондалари" мавзусида семинар ўтказилди. Қонун устуворлигини таъминлашда нотариусларнинг, шу жумладан, айрим нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ўрни бор. Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 1-моддасида таъкидланганидек, республикамизда нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир. Семинарда нотариал фаолиятини амалга ошириш тартиблари, шартнома ёки бошқа битимларни қайси ҳолатларда расмийлаштириш, ҚФЙ ва МФЙ расмлари қандай тартибда нотариал ҳаракатларни расмийлаштири олишлари мумкинлиги муҳокама қилинди.

**Дано РАҲИМБАЕВА,**  
**Наманган вилоят адлия бошқармаси ходими**

## ТИЗИМ ТАДБИРЛАРИ

### ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ

Фурқат туманидаги Шунқор қишлоқ фуқаролар йиғинида Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг мазмун-моҳияти ва оила мустаҳкамлигини таъминлашга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир туман хотин-қизлар кўмитаси, туман давлат нотариал идораси ва ФХД бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди. Туман хотин-қизлар кўмитаси раиси З.Али-хўжаева аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда тўлақонли иштирокини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёшларнинг маънавий салоҳиятини юксалтириш борасида туманда амалга оширилаётган ишлар ҳамда ечимини кутаётган муаммолар хусусида маъруза қилди.

**Хосиятхон МАМАЖОНОВА,**  
**Фурқат тумани ФХД бўлими мудир**

## КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Новоий вилояти ҳокимлигида Одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идораларо комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда одам савдосига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар тўғрисида вилоят прокурорининг ахбороти тингланди. Маърузада муаммони бартараф этиш учун ички ишлар идоралари, хотин-қизлар кўмиталари, ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, идораларо комиссия йиғилишида комиссиянинг масъул котиби ва комиссиянинг 2008 йил иккинчи ярмига белгиланган иш режаси тасдиқланди.

**Маруса ҲОСИЛОВА,**  
**"Инсон ва қонун" мухбири**

## ИЖРО ТАРФИБОТИ

Ғиждувон тумани ҳокимлигида Президентимизнинг 2008 йил 21 майдаги "Сугурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳамда 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш юзасидан семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.

Сўзга чиққанлар мазкур Қарор сугурта фаолиятини тартибга солиш ва ривожлантириш, тадбиркорлар фаолиятини ҳуқуқий ҳимоялашда юридик асос бўлиши, Фармондаги имтиёзлар, кафолатлар ва жавобгарлик масалаларига тўшунтириш бериб, пул қўйовчидан пул маблағларининг келиб чиқиш манбалари тўғрисида маълумотномалар ва бошқа ахборотларни ҳар қандай тарзда талаб қилиш ноқонуний деб ҳисобланганини, ушбу талабларни бузган мансабдор шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишини хусусида фикр юритилди.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан мазкур Фармонни тўлиқ ижро этишга доир аниқ кўрсатмалар берилди. **Маъфуза НОРОВА,**  
**Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими**

**Қардорлардан пул суммаларини ундириш ёки мол-мулкни талаб қилиб олиш (қайтариш ёки бериш) фақат суд томонидан эмас, балки нотариуслар томонидан қардорликни белгиловчи ҳужжатларга ижро хатларини ёзиш орқали ҳам амалга оширилиши "Нотариат тўғрисида"ги Қонунда белгилаб қўйилган.**

Нотариусларнинг ижро хатларини ёзиши шартномавий, ҳужалик ва молиявий интизомни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади, тўловчилардан қарзни ундиришни соддалаштиради ва тезлаштиради. Ушбу нотариал ҳаракат пул шаклида бўлган қарзни ундириш, мулкни қайтариш ёки бериш билан боғлиқ мажбуриятнинг сўзсиз ижро этилишини назарда тутади. Ижро хатларига оид нотариал ҳаракатни давлат нотариал идораси нотариуслари ҳамда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳам амалга оширади. Улар манфаатдор шахсларнинг ёзма аризасига мувофиқ, қардорликни белгилувчи асл ҳужжатларга ижро хатларини ёзади.

Ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган қардорлик турлари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 январдаги "Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган рўйхатда қатъий равишда белгилаб қўйилган.

Ижро хатларини ёзиш учун қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлиши шарт: тақдим қилинган ҳужжатлар қардорнинг ундириб олувчидан қардор эканлигини ёки бошқа мажбуриятини шубҳасиз тасдиқлаши; қилинган талаб ижро

ёзуви ёзилиб, сўзсиз тартибда ундиришга йўл қўйилиши мумкин бўлган қарз турига кириши; даъво қилиш ҳуқуқи вуҳудга келган кундан бошлаб ўтган вақт уч йилдан, юридик шахслар ўртасидаги муносабатларда эса - бир йилдан ортиқ бўлмаслиги.


Бу мuddат ундирувчида қарзни мажбурий ундириш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб ҳисобланади. Утазиб юборилган мuddатни тиклаш Фуқаролик кодексига биноан амалга оширилади. Ана шу шартларнинг бирортаси бўлмаса нотариус ижро ёзуви ёзишни рад этади. Шунингдек, тарафлар ўртасида низоининг йўқлиги унинг муҳим шартларидан бўлиб ҳисобланади.

Жумладан, фуқароларни уларга корхоналар ва таш-

битимлар бўйича ижро хати олиш учун ҳам иккита ҳужжат - нотариал тасдиқланган битимнинг асл нусхаси ва кредитор томонидан қардорга нотариус орқали тўлов мuddати ўтказиб юборилганлиги (мулкни қайтариш ёки бериш) тўғрисида юборилган ёзма билдиришнома тақдим қилинади.

Фуқаролардан электр энергиясидан фойдаланганлик учун электр энергияси етказиб берувчилар олдидаги қарзини ундиришда ҳисоббараниқ ундириб олувчи томонидан тасдиқланган нусхаси; қардорнинг ёзма оғохлантиришнинг олганлиги тўғрисидаги тилхати, қарзни тўлаш тўғрисида қардорга берилган ёзма оғохлантириш нусхаси; узоқ ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномасининг нусхаси берилди.

## Сабoқ ИЖРО ХАТЛАРИ МОЛИЯВИЙ ИНТИЗОМНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



қилотлар томонидан берилган маданий-маиший, уй-рўзгор буюмлари ва бошқа мулкдан фойдаланганлик (прокат) учун тўловлар бўйича қарзни ундиришда фақат иккита ҳужжат - ижарага бериш шартномасининг нусхаси (ижарага берилган буюм баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан кам бўлган ҳолда эса, ундириладиган сумма кўрсатилган квантронинг нусхаси ва қардорнинг оғохлантириш олинганлиги ҳақидаги тилхати) ва қарзни тўлаш тўғрисида қардорни ёзма оғохлантиришнинг нусхаси;

Пул олиш, мулкни қайтариш ёки бериш билан боғлиқ нотариал тасдиқланган

Таъкидлаш лозимки, ижро ёзуви ижро варақаси кучига эга бўлиб, у бўйича ундириш суд қарорлари ижроси учун белгиланган тартибда амалга оширилади. Нотариусларнинг ижро хатлари бажарилган ҳолда суд ижрочилари томонидан мажбурий тарзда ижро қилиниши қонуний тарзда белгиланган.

Ижро хатини ёзиб бериш учун давлат божи ундириладиган сумманинг бир фоизи миқдорда, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда олинади.

**Ёқуб БОЗОРБОВЕВ,**  
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

## Таҳлил

# МУҲИМ МЕЗОН

тадбиркорлик субъектлари ҳимояси

Тадбиркорлик субъектларига лицензия ва бошқа рухсатномалар берилишини тартибга солиш максодида Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонуни ва Президентимизнинг 2005 йил 21 сентябрдаги "Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқарттириш ва уларни бериш тартиб-қондаларини соддалаштириш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган эди. Мазкур қонун ҳужжатларининг ижроси адлия органлари томонидан доимий равишда назоратга олинган.



Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар туманларидаги Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш Департаменти бошқармаларида

ҳамда йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан ўрганишлар ўтказилди. Уларнинг фаолиятларида амалга оширилган ибратли ишлар билан бир қаторда тадбиркорлик субъектларига лицензия бериш ва уни қайта расмийлаштиришда (2184 та ҳолат), лицензиянинг амал қилишини тўхта-тиб туриш ва қайта тиклашда (49 та ҳолат), лицензиянинг амал қилишини тугатиш ва бекор қилишда (26 та ҳолат), лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилишда (9 та ҳолат) ҳамда бошқа ҳолатларда (1745 та) қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Адлия органлари томонидан давлат идоралари ва уларда фаолият юритётган ҳодимларга, иккинчи томондан тадбиркорларнинг ўзига фақат қонун асосида фаолият юритиш зарурлигини аниқлаб этиш ва шу йўлда меҳнат қилиш масъулиятини юклайди. Бу эса ҳар биримиз учун асосий мезон бўлиб қолмоғи лозим.

**Азиз ЭРҒАШЕВ,**  
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

## Моҳият

# МАЛАКАЛИ ҲУҚУҚИЙ

# ХИЗМАТ

қонунчиликни таъминлайди, ютуқлар салмоғини оширади

Мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимият идоралари ва жамoат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, қонунчиликни таъминлаш, ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, уларнинг сифатини оширишда юридик хизматнинг ўрни, аҳамияти беқисб. Бу соҳадаги устувор режа ва вазифалар республика ҳуқуқининг 2007 йил 24 августдаги "Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан аниқ-равшан белгилаб берилди.

қўриб чиқиш, баҳолаш, бартараф этиш, шу юзасидан тегишли ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса айбдорни жавобгарликка тортишгача бўлган тадбирларни қўллаш, ҳуқуқий хизматга тааллуқли ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни сўраб олиш сингари қатор ҳуқуқ ва ваколатлар берилган. Буларнинг бари таъ-

Ушбу қарорга биноан давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимият органлари, уларга қарашли корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек, ана шу тизимлар қошидаги юридик хизматлар устидан ҳуқуқий назорат ўрнатиш ҳамда мазкур қарор талабларининг ҳуқуқий жиҳатдан бажарилишини таъминлаш вазифаси Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари зиммасига юклатилди.

Шу муносабат билан "Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисида"ги ҳамда "Ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида"ги Низомлар ишлаб чиқилди. Унинг назорати ҳам адлия тизими томонидан амалга оширилади.

Мазкур қарорлар ижроси билан боғлиқ тадбирлар салмоғи анча катта. Бунчи Ҳораз вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Амалга оширилган ҳуқуқий ёрдам ва назорат тадбирлари вилоятдаги давлат ва ҳўжалик ташкилотларида ҳуқуқшунос кадрлар сафининг сезиларли ортиши ҳамда янги иш ўринлари жорий этилишига олиб келди. Ваҳоланки, яқин йилларгача бундай лавозимларни жорий этишга ҳатто айрим маҳаллий ҳокимликлар ҳам панжа орасидан қараб келишганди. Энди-



ликда вазият тамомила ўзгарган. Вилоятдаги 12 та шаҳар ва туман ҳокимликларининг барчасида ҳуқуқшунос-маслаҳатчи вазифаси жорий этилган. Энг малакали кадрлар ушбу даргоҳларга жамланди, десак муболага бўлмайди. Бундан ташқари, мавжуд ҳўжалик юри-тувчи субъектларда ҳам 114 нафар малакали ҳуқуқшунос кадрлар штатли ходим мақомида ҳуқуқий тадбирларга бошқош бўлишяпти. Бошқармамиз раҳбарияти ташаббусига биноан ана шу лавозимдаги барча ходимлар учун доимий семинар ўқувлари жорий этилди. Ҳозиргача 70 нафар ҳуқуқшунос кадрлар аттестация синовидан ўттишди.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, ҳуқуматимизнинг юқоридagi қарорлари асосида адлия органларида қайд этилган низом талабларининг юридик хизматлар ходимлари томонидан бузилиши ҳолатларини

қилдирганидек, мамлакатимизда ҳуқуқий хизмат савиясини замон талаблари даражасига етказиш, омма ҳақ-ҳуқуқлари, давлат ва жамият манфаатларини ишончли ҳамда кафолатли тарзда муҳофаза қилиш имконини яратди. Зеро, обод ва мустақил юртимизда кенг демократия ва бозор муносабатларини жорий этишдан қўзланган мақсад ҳам шу.

**Фарход ЭШНАЗАРОВ,**  
**Ҳораз вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи**

Эллиқалъа — Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудудида жойлашган.

Юртнинг чекка ҳудудларида

ОЙДИН КЕЛАЖАК ЙЎЛИДА



Эллиқалъа ҳудуди тарихий ёдгорликларга бой маскан саналади. Ҳудуддаги Қизилқалъа, Аяқалъа, Қирқизқалъа, Қўрғошқалъа, Гўлдурсинқалъа, Бурғуқалъа қадимий қолган бебахо ёдгорликлар бўлиб, дунё олимларининг диққат-эътиборида.

ривожлантириш, жумладан, туман иқтисодийотида чет эл инвестициясини жалб этиш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Эллиқалъада фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон - Австрия - Бангладеш "Юнивер" МЧЖ, Ўзбекистон - Лихтенштейн "Медикол-коттон" ва Ўзбекистон - Россия "Эл-Рослес" кўша корхоналарининг ишга туширилиши нафақат туман иқтисодиётига, балки аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшди.

Ўзбекистон халқ артисти Отажон Худойшукуров хотирасига бағишлаб ўтказилган республика ёш кўшикчиларининг "Нафосат бўстони миним", ёш шоирларнинг "Ақчақул илҳомлари" анжуманлари Эллиқалъа Қорақалпоғистоннинг маданий марказларидан бирига айланб бораётганидан даллат беради.

Утган чорак аср давомида Эллиқалъада амалга оширилган ишларни эсласак, қалбимиз қувончга тўлади.

Жорий йилнинг ўзида туманнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди. Иқтисодий кўрсаткичлар ўси, саноат, қишлоқ хўжалиги соҳаларида режалар ортиги билан бажарилди. Бюджетга тушадиган солиқ туловлари 100 фоиз бажарилди.

Туманда тадбиркорликни

Туманда халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини ўзимизда

етиштирилган маҳсулотлар билан таъминлашга ҳам етарли таъбир берилмоқда. Бу борада туманда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг миқдорини янада кўпайтириш режалари белгиланди. Бундан ташқари, халқимизнинг маданий-маърифий турмушини яхшилаш йўлида ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда. Жумладан, корхона, муассаса ва ташкилотлар хомийлигида "Қирққиз",

"Тоza-боғ", "Сарабий" овул фуқаролар йиғинларида қишлоқ врачлик пунктлари жорий ҳамда "Навоий", "Гўлдурсин" овулларидаги шифокорлик пунктлари капитал таъмирланди. Мустақиллик байрами муносабати билан янги ўқув йили олдидан 6 та янги мактаб, 1 та касб-хунар коллежи ўқувчилар ихтиёрига топширилади.

Шунингдек, байрам арафасида Очқ осмон остида-

ги музей, Бўстон шаҳридаги тўйхона, ёпиқ бозор қурилиши, нон чеҳи, қурилиш материаллари дўкони, Ақчақул соҳилидаги кемпинглар қурилиб ишга туширилади. Аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари давом эттирилиб, "Чорвадор", "Янгиобод" ва "Сарибий" аҳоли пунктларида яшовчиларнинг қалби қувончларга тўла.

Муҳтарам, Президентимиз томонидан 2008 йилнинг

"Ёшлар йили" деб эълон қилиниши мамлакатимизда бўлгани каби туманимизда ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилишига йўл очди. Президентимизнинг "Ёшлар йили" Давлат дастури тўғрисидаги қарори асосида шароитимиздан келиб чиқиб, учраб турган муаммоларни ҳисобга олган ҳолда 84 бўлимдан иборат Дастур, уни амалга ошириш бўйича туман комиссияси таркиби тасдиқланди. "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан "Қамолот" стипендияси ташкиллаштирилди. "Қамолот боғи"ни яратиш ишлари давом этмоқда. Ёш оилаларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар ажратилиши таъминлаш бўйича турар жойлар қурилиши йўлга қўйилмоқда. Ёшларимиз орасида икки ўқувчининг фан олимпиадасининг республика босқичида муносиб қатнашиб, муддатидан олдин талаба бўлиши, 25-сонли мактаб ўқувчиси Фатима Юсупованинг "Зомин" ёш ижодкорлар


танловидаги, 5 нафар ўқувчининг Нукус шаҳрида ўтказилган "Баркамол авлод" ўйинларида галаба қозонишлари давлатимизнинг ёш авлодга кўрсатаётган эътиборининг самараси, десак асло муболаға бўлмайди.

Айни дамларда эллиқалъалиқлар ҳам барча ватандошларимиз каби истиқлолимизнинг 17 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш учун ҳозирлик кўришмоқда. Фермеру тадбиркор, чўпону деҳқон, оддий ишчи талаба, хуллас, ҳамма ҳаммамизнинг юзига ўзгача қувонч, ҳаракатида ўзгача шиддат. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, "Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фарвон келажагимиз гаровидир".

Ойша МАТНЎЗОВА, Эллиқалъа тумани маънавият тарғибот маркази раҳбари



Эллиқалъанинг кўркам масканлари




"Конституция — менинг ҳаётимда" танловига

ЦЕНЗУРАСИЗ ҲАЁТ

Инсон ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматининг асосий таянчи бўлган Конституцияда журналистларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари аниқ белгилаб берилган. "Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга" дейилади Асосий Қомусимизнинг 29-моддасида. Тўртинчи ҳокимият сифатида тан олинган оммавий ахборот воситалари учун ушбу модда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Конституциямизнинг XV боби эса "Оммавий ахборот воситалари" деб номланади. 67-моддада бу янада равшан ифодаб берилган. "Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборот тўғрилиги учун жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди".

Инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети гоёларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилган мустақил Ўзбекистон учун цензура тўғрисида Конституцияда алоҳида белгилаб ўтилгани демократиянинг муҳим мезонларидан биридир. Бу ўз навбатида ҳуқуқий



демократик жамият қуриш йўлида асосий пойдеворлардан биридир. ОАВ хамиятнинг ҳар қандай

жабҳасидаги муаммо ва камчиликларни кўтариб чиқа олиши мумкин. Бу фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, ижод эркинлиги ҳуқуқи билан кафолатланади.

Бундан икки йил олдин бўлиб ўтган бир воқеани ҳали-хануз эслаيمان.

Қишлоғимиз Санзор дарёсининг шундоққина бўйида жойлашган. Қишда тўлиб оққан дарё ёзга бориб жуда камайиб кетади. Бутун бошли қишлоқ шу жажғигина дарё-ю, чорраҳада жойлашган биргина артезиан қудуққа қараб қолади. Ичимлик суви ниҳоятда танқис.

Жазирама ойларида, қишлоққа касаллик тарқалди. Ёш болаларнинг бир нечтаси баданига таошган тошмалар сабабли шифохонага ётқизилди. Миробларнинг сўзларига кўра, касалликнинг асл сабаби мана шу дарё сувидан эмиш. Улар сув бўйида ўлиб ётган сигирни кўришибди. Шундан сўнг ҳеч ким дарё су-

вини ичмайдиган бўлди. Қишлоғимизнинг бутун умиди энди ягона артезиандан эди. Турнақатор навбатлар юзга келди.

Шундай кунларнинг бирида, тумандаги бир амалдор қишлоқнинг умумий мулки бўлган артезианни хусусийлаштириб олди. Табиийки, у ҳар бир челақ сув учун маълум нарх белгилади.

Ичимлик суви муаммога айланди. Қишлоқ аҳли наҳот излаб, юқори ташкилотларга мурожаат этишга тушди. Аммо натижадан дарак йўқ. Ана шунда, туман марказидан келган муҳбир вазиятни ўрганиб, мақола тайёрлади. Мақола "Ғаллаорол овози" газетасида "Дард устига чипқон" сарлавҳаси остида босилиб чиқди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай қишлоғимизга туман ҳокимлиги ва прокуратурасидан текширувчилар келди. Улар одамлар билан суҳбатлашиб, шикоятларни таҳлил қилиб, ниҳоят артезианни қишлоқ фуқаролар йиғини мулкига айлантиришди. Мана сизга цензурасиз ҳаётнинг бир кўриниши. Катта авлод вақилларининг айтишларича, собиқ совет даврида бундай мақолаларни чоп этиш қийин бўлган экан.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик ва эрк шарофати билан цензурасиз ҳаётга эришдик. Ҳақли равишда Қомусим — менинг номусимдир!

Мансур ЖУМАОБОВ, ЎЗДЖТУ талабаси

Хушёр бўлинг!

ОДАМ САВДОСИ

қабих ниятли кишиларнинг ўзгалар ҳаётига хавф солиши демакдир

Одам савдоси — Жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган трансмиллий жиноятлардан бири саналади. Бу жиноят, айниқса, кейинги ўн йилликда кенг томир ёйдики, маълумотларга кўра, ҳар йили икки миллионга яқин киши айнан шу манфур қилмиш қурбонига айланади. Бу жиноят, бошқалардан фарқли равишда олдов йўли билан, турли хийлалардан фойдаланган ҳолда содир этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, мамлакатимизда одам савдосига қарши курашнинг ҳуқуқий-норматив мезони яратилган. Чунончи, Жиноят кодекси, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам фуқаримизнинг ёрқин далилидир.

Бироқ бу каби изчил чора-тадбирларга қарамай, мазкур жиноятга тўла барҳам берилди, дея олмаيمиз. Зотан, орамизда ўз юрдошини алдаш, тузоққа илинтириш йўли билан турли хорижий давлатларга сотиб юбориш эвазига мўмай даромад орттириши кўзайтирган кимсалар, афсуски, оз бўлса-да, учраб туради.

Кези келганда шуни ҳам айтиш жоизки, аксарият ҳолларда бундай қабих ниятли кимсаларга хорижда ишлаб келиш истагидаги ги шахслар яқиндан "ёрдам" берилади. Улар ўзлари ҳатто

дурустроқ танимайдиган "раҳнамо" ларига шу қадар ишонилмадики, қўшқўлаб "ҳаражатлар" учун пул тутказганлар етмагандек, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни ҳам бажонидил бериб юборишади. Оқибатда эса... ўзга юртларда, кимларнингдир "ҳизмати"ни қилишга ва ёхуд кўнглини овлашга маҳкум этиладилар. Минг бир машаққат билан юртимизда қайтиб келган алдовлар қурбонлари "олисинг олтинидан, яқининг сомони" афзаллигини кеч бўлса-да англаб етдилар. Шуни унутмаслик лозимки, амалиётда хорижда ишлаб келиш тартиби қатъи белгиланган. Хорижда ишлаб кайтиш истагида бўлганлар энг аввало, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли Ташқи меҳнат масалалари миграцияси агентлигига мурожаат қилсалар kifof. Албатта, қонуний йўл билан хорижда ишлаб қайтиш



ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат туғдирмайди, бундай шахсга нисбатан турли таъдиқлар ишлатилмайди. Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси томонидан одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олишга доир ҳуқуқий тарғибот ишлари мунтазам равишда олиб бориламоқда. Зотан, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш турли кўнгли-сизликларнинг олдини олишининг асосий омилларидан биридир.

Коржов ЧОРИЕВ, Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Таҳлил ва сабоқ

ТАДБИРКОРГА ҲАММА ҚЎШҚАНОТМИ?

ёхуд қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилгани хусусида

Давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятини чуқур тушуниб етган тадбиркорлар бугунги кунда назорат органлари билан бемалол "қонун тили"да гаплашишмоқда. Қонунга хилоф хатти-ҳаракатларнинг фош этилаётгани, тадбиркорлар олдига қўйилаётган сунъий говларнинг олиб ташланаётгани ҳам бугун кўпчиликка сир эмас.



2008 йил 21 январда Бухоро шаҳридаги "Бумеранг сервис плюс" хусусий фирмаси раҳбари Равшан Аҳоров вилоят хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилди. У ўз аризада Олот тумани Давлат солиқ инспекцияси, "Парвинабанк" хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банкининг Бухоро филиали ва республика Бош прокуратураси ҳузуриндаги Солиқ, валютасиз оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Бухоро вилояти Олот тумани бўлими томонидан ноқонуний равишда бюджетга ундирилган 9.040.000 сўм қайтарилганини сўраган.

Хусусий фирма раҳбари қандай асосларга таяниб даъво аризаси ёзди? Қонун доирасидан даъвогар четга чиққан эдими ёки жавобгарларми?

Аслида воқеа бундай бўлган эди. Фирма раҳбарига нисбатан 2007 йил 12 ноябрда жиноят иши қўзғатилди. Табиийки, текшириш ҳам ўтказилди. Текширишда товар айланмасининг ягона солиқ турли бўйича фирма тўлаши лозим бўлган 5 фоизли став-

ка билан Олот тумани учун белгиланган 3 фоизли ставка орасидаги фарқ - 9.040.000 сўмлик қўшимча ҳисобланган солиқлар бюджетга етказилган зарар сифатида баҳоланди. Ажабланишли томони шундаки, текширувчилар текшириш якунланмаган ва айбдорлик ҳолати тасдиғини топмаган бўлса-да, хусусий фирма ҳисоб рақамини хатлаб қўйиш тўғрисидаги қароридан ва маблаг бюджетга ундирилганидан кейин прокурор санкцияси берилганлиги аниқланди. Боз устига қарорда маблагнинг бюджетга ундирилиши ўз аксини топмаган. Унда фирманинг банкдаги ҳисоб рақамининг чиким қисми вақтинчалик тўхтаб турилиши ҳақида ёзилган, холос.

Шунингдек, Олот тумани прокуратураси томонидан фирма раҳбари Равшан Аҳоровга нисбатан қўзғатилган айбилли маънаси хал қилинмагач, иш юритилган тугатилган.

"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини

лангитрилган қарорига биноан прокурор санкцияси билан тақдим этилади.

Қонун талабларидан келиб чиқиб, суд ҳолатни синчилаб ўрганди. Натижа шу бўлдики, суриштирувчининг фирма ҳисоб рақамини хатлаб қўйиш тўғрисидаги қароридан ва маблаг бюджетга ундирилганидан кейин прокурор санкцияси берилганлиги аниқланди. Боз устига қарорда маблагнинг бюджетга ундирилиши ўз аксини топмаган. Унда фирманинг банкдаги ҳисоб рақамининг чиким қисми вақтинчалик тўхтаб турилиши ҳақида ёзилган, холос.

Шунингдек, Олот тумани прокуратураси томонидан фирма раҳбари Равшан Аҳоровга нисбатан қўзғатилган айбилли маънаси хал қилинмагач, иш юритилган тугатилган.

"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини

кўра, давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарининг ўрни суд қарори асосида тўла ҳажмида бевосита ана шу давлат органлари томонидан, биринчи навбатда уларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан қоплангани лозимлиги белгиланган.

Суд мазкур қонун ҳужжатларига таяниб, давлоғарнинг даъвосини асосли, деб топди. Қонунга хилоф равишда ундирилган 8.133.000 сўм Олот тумани ДСИ бюджет ҳисоб рақамидан тадбиркор ҳисоб рақамига қайтарилди. Қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриш учун хусусий ажрим чиқарилди.

Ислохотлар жараёнида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчи аралашшга ҳақли эмас. Агар назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилишини аниқласалар, ҳуқуқларини чеклаш кечирилмас ҳолдир.

Зеро, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича самарали механизмнинг амалий қадамлари хусусий тармокни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш имконини беради.

Илҳомжон ҚОЛДАШЕВ, Бухоро вилояти хўжалик суди судьяси, Валижон ЮСУПОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

Тошкент вилояти адлия бошқармаси ҳузуриндаги адвокатура бўйича Малака комиссиясининг 2008 йил 27 июндаги йиғилиш қарорига асосан Тошкент вилояти Охангарон тумани «Умид Қалқони» адвокатлик бюроси адвокат Тохир Каримович Джиноновнинг Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 2004 йил 18 августда берилган серияси TS 000457 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши бекор қилинди.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси ҳузуриндаги адвокатура бўйича Малака комиссиясининг 2008 йил 12 июндаги йиғилиш қарорига асосан Тошкент вилояти Бўстонлик тумани «Итқон» адвокатлик бюроси адвокати Аширов Хамидулла Артиқовичнинг Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 1999 йил 29 июнда берилган серияси TS 000262 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши бекор қилинди.

ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Яққасарой туман 1-сонли давлат нотариал идораси нотариус лавозимига; Навоий вилояти адлия бошқармаси Навоий шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси нотариус лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:


- 1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусخаси;
3. Беағлланган шаклда тўлдирилган шахсий варақча;
4. Меҳнат дафтаридаги нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тасвиқнома;
7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимини иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида вилоят адлия бошқармаларига мурожаат этишлари лозим.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси телефонлари: (8-371) 269-14-45, 265-70-41. Навоий вилоят адлия бошқармаси телефонлари: (8-436) 223-01-38, 223-95-90

ЧАҚМОҚТОШ

ВОЛЬТЕР
(Франсуа-Мари Аруэ)
(1694-1778)



Франциялик файласуф Франсуа-Мари Аруэ (Вольтер) — унинг тахаллуси нотариус Франсуа Аруэ оиласида дунёга келди.

У 5 ёшдан бошлаб шеърлар машқ қилди. Коллежда ўқиб юрган чоғларида яхши ўзлаштиргани учун мукофотлар билан тақдирланди.

Франция қироли Людовик XV у билан эҳтиёткорона муносабатда бўлган. Рим папаси Бендикт XIV буюк файласуфга мактовли мактублар битган.

Танграм, мени дўстлардан панонингда сақла — душманларни ўзим эплайман.

Мен фақат шубҳалинигина биланам.

Улкан бинонинг митти кавакларида яшайдиган сичқонлар бино яна қанча туриши ва уни ким қурганидан беҳабар умр кеңирадилар. Улар фақат узоқ яшаш ва инларини бузгунчи жониворлардан омон сақлашга ҳаракат қиладилар.

Аслик ва гўзаллик мезонлари ҳамма замонларда ва ҳамма халқларда бир хил бўлиб келган.

Фақат табиий нарсаларгина гўзалдир.

Сизнинг фикрингизга қўшилмаслигим мумкин, ammo фикрингизни айтиш ҳуқуқингиз учун ҳаётимни бераман.

Саида Жўраева тайёрлади

(Давоми. Боши биринчи бетда)
1947 йилда театр биноси тантанали равишда очилади. Шундан бошлаб беш қаватли гўзал бу бино нафақат спектакллар намойиш этилаидиган, балки муҳим тантанали воқеаларни ўтказиш жойига айланди.

1948 йилда бўлиб ўтган зилзиладан кейин бинодаги 40 тонналик марказий қандилнинг гипси дарз кетганлиги аниқланган. Шундан сўнг мутахассислар ёрдамида нусха тайёрлаиб, қандилнинг оғирлиги 1800 кг. вазнга келтирилди.

Ўзбек опера ва балет санъатининг яратилишида 1926 йилда ўзбек мусиқа маданиятининг атоқли арбоби Муҳиддин Қори Ёқубов раҳбарлигида ташкил топган ўзбек этнографик мусиқа ва рақс-ансамблининг фаолияти катта роль ўйнаган. Ансамбль ижодкорлари томонидан қўшиқ, лапар, рақс ва замонавий сахна асарлари ижро этила бошлаган эди. Ўз даврида санъаткорларимиз-

● Тошкент шахрининг 2200 йиллиги олдидан


ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ

жаҳоннинг ривожланган театрлари қаторида муносиб ўринга эга



катта шухрат қозongan эди. 1939 йилда М.Ашрафий ва С.Василенконинг "Бурон" операси яратилиши билан опера ва балет театри ташкил топади.

Бугун опера ва балет театри ривожига катта ҳисса қўшган атоқли опера режиссёрлари Э.Юнгвальд, М.Мухамедов, Т.Белова, Ф.Сафаров, дирижёрлар - М.Ашрафий, Б.Иноятов, Ф.Шамсиддинов, А.Абдуқаюмов каби сахна



усталарининг номларини тилга олиш жоиздир. Академик катта театр репертуарининг бойлиги, ўзида жаҳон ва миллий санъатимизнинг ноҳид намуналарини жамлагани

диққатга сазовор. Ўзбек опера ва балет санъатининг ташкилотчилари - устоз санъаткорлар ишини бугунги кунда Д.Абдурахмонова, Ф.Сафаров, М.Раazzoқова, О.Александрова, Р.Латилов, В.Егай, С.Мамадалиева, А.Бабажанова каби кўпжа муносиб издошлари давом эттирмақдалар. 200 нафардан зиёд санъаткорлар самарали ижод қилаётган ушбу санъат қошонасида айни пайтда театр репертуаридан ўрин олган 25 дан зиёд опера, 20 га яқин балет асарларини муҳлислар севиб томоша қилмақдалар. Шу кунгача юзлаб опера ва балет спектакллари намойиш этилганлиги театрда қанчадан-қанча катта истеъдод соҳиблари ижод қилаётганини билдиради.

Шонли йўлни босиб ўтган ўзбек Давлат академик катта театри бугун жаҳоннинг ривожланган театрлари қаторидан муносиб ўрин эгаллади, ўзбек опера санъати дунёга танилди. Дилором МАТКАРИМОВА, «Инсон ва қонун» мухбири, Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар

УЙ БОЗОРИ "ЭГАЛАРИ" ёки сохта "харидорлар"

Мустиқиллик шарофати билан бозор муносабатларига ўтиш ва иқтисодий берақорлаштириш, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш учун ҳуқуқий-норматив мезон яратилиши ва амалиётга татбиқ этилди.

сини расмийлаштириб, пулни чўнтакка уриб, ўзлари гоийб бўлмақдалар. Масалан, Денис Хомутов исмли фуқаро (унинг мак-

Бозор иқтисодиёти шароитида мулккий муносабатларнинг вужудга келиши ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишида битимлар энг кўп тарқалган юридик ҳужжат ҳисобланади. Мулкдор бўлишга интилиш ҳар бир инсонга хос. Республикада хусусий мулкчиликнинг ривожланиши нафақат уй-жойга, балки кўплаб бошқа мулкларга бўлган эътиборни кўчирди. Шунинг учун мулкчилик муносабатлари доимо аниқликни, инсон ҳуқуқлари бузилмаслигини талаб этади.



Афсуски... ҳар доим ҳам бу талаб бажарилавермайди. Чунки айрим "учар"лар, халқ тили билан айтганда "уй бозори эгалари" бор. Ана шу тоифадаги баднафсолигрлар ҳозирги вақтда афсуски, кўплаб топилди. Улар фойда кўриши учун ҳар қандай жиноят ва қабих ишлардан қайтмайдилар. Фуқаролар уларнинг иштирокисиз мулклари, яъни уй-жойларини ўз хоҳишларича тасарруф эта олмайдилар. Чунки бу тоифа кимсалар шунчалик абжирки, қайси мавзе ва қайси туманда уй сотилишидан, албатта, ҳабар топади. Бундан ташқари, коммунал тўлов ташкилотларида ана шу устаси фарангларнинг ҳамтовоқлари ҳам йўқ эмас. Бунинг оқибатида килворликни касб қилиб олган бундай нухсалар қалбаки муҳр ва штамплар ёрдамида керак-

ли маълумотномаларни ҳам тайёрлаб беришмоқда. Бундай воқеаларга ички ишлар хизматида ишлайдиган ходимлар ва нотариуслар гувоҳдир. Бу сохта "харидорлар" аксарият ҳолларда уйни сотиш ҳуқуқи билан берилган ишончномалар орқали сотиб олиб, бироқ вақт ўтгач, бирни ўнга пуллашмоқда. Қарабсизки, сохта "харидор"ларнинг "жон куйдириши" оқибатида уйнинг нархи сунъий равишда кўтарилади. Кўпинча бу сохта "харидорлар" ҳар қандай йўл билан эгаси вақтинча узоқ сарфарга кетган хонадонлар рўйхатини олиб, қалбаки ишончномалар билан уйнинг олди-сотди шартнома-

Омина АЧИЛОВА, Тошкент шахрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

Хурматли тахририят. Газетангизнинг 2008 йил 22 апрель сонидан чоп этилган "Эл ризқини туя" қилди сарлавҳали мақолада маҳалла раиси Т.Қаюмованинг қилган жиноятлари ва бу жиноят тафсилотлари ҳақидаги жиноят ишлари бўйича Ургут тумани судининг ҳукми ёритилган эди. Бунинг учун сизлардан миннатдоримиз. Бироқ шу воқеалардан кейин Қаюмованинг ариза-шикоятига кўра, иш Самарқанд вилояти судининг Раёсатида қайта кўрилди ва жиноят ишлари бўйича Самарқанд тумани судига юборилди. Судда айбланувчи раиса яна бир бор ўз жиноятига иқдор бўлди. Леким...

Етим-есирларнинг ҳақини ёйишдан кўрқмаган бу раиса ҳамон лавозимда қолаётгани, ўз

● Хат ортида ҳаёт бор ЭЛ РИЗҚИНИ "ТУЯ" ҚИЛСА ҲАМ...

ҳақларини талаб қилган фуқароларга қонунни писанд қилмасдан ҳар хил тазйиқлар ўтказаятгани ажабланилади. Ахир, судда ўз айбини тан олган раиса маҳалламиздаги ижтимоий ёрдам пули оладиган қанча оиланинг ҳақини еб кетди... 2005-2006 йилларда нафақа пули олаётганларнинг фақат 17 нафаригина текширилганда 2 миллион 418 миң 303 сўмлик маблағни ўзлаштириб, ўз эҳтиёжига сарфлаб юборгани аниқланди.

мутасаддилар фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси бўлган маҳаллада соғ-

лом муҳитни бузган раисага ҳали ҳамон ишониб келмоқда?

Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Янгиариқ Қўйга қарашли Чеп маҳалласида яшовчи фуқаролар номидан Абдусайд МАННОВ, Маърифат БОБОЕВА, Жалил КАХҚИРОВ

Тахририятдан: Аслида ушбу воқеалар тумани мутасаддилари томонидан жойининг ўзида ҳал этилиб, турли идора ва ташкилотларга шу мавзуда икки йилдан буйи келаятган шикоят ва аризаларга қонуни доирасида зарур чоралар кўрилиши керак эди. Аммо бефарқликми, эътиборсизликми, ҳар қалай ҳамон воқеаларга оидинлик киритилмаган кўринади. Тахририятимизга тақрир қилган ушбу шикоят хатидан сўнг мутасадди ташкилотлар хат ортида инсонлар тақдири ётганлигини ҳис этиб, ҳақиқатининг қарор топшишга кўмак берар, деган умиддамиз.

New Holland TL 5060 tractor advertisement with image and contact info: Tel: 120 60 97, 120 89 58

Тошкент вилояти адлия божқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2008 йил 4 августдаги йиғилиш қарорига асосан, Заңгиота тумани 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Ж.Шарипованинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси амал қилиши 2 ой муддатга тўхтатилди.

Тошкент вилояти адлия божқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2008 йил 28 июлдаги йиғилиш қарорига асосан, Ангрэн шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси К.Хўжақулова ва Ангрэн шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус С.Қосимоваларнинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши 3 ой муддатга тўхтатилди.

UZBEKISTAN airways advertisement for 2008 July 28 from Tashkent to Navoiy

Наманган вилояти адлия божқармаси ҳузурдаги нотариат бўйича комиссиясининг 2008 йил 24 июлдаги йиғилиш қарорига асосан, Наманган шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Зарипова Маҳфуза Валиевнага божқарма томонидан 1997 йил 3 ноябрда берилган нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи № 000006 сонли лицензиясининг амал қилиши тўхтатилди.

Тошкент вилояти адлия божқармаси ҳузурдаги адвокатура бўйича Малака комиссиясининг 2008 йил 9 июлдаги йиғилиш қарорига асосан Тошкент вилояти адвокатлар ҳайъати маслаҳатхона адвокати Ҳакимова Зульфия Шойиевананинг Тошкент вилояти адлия божқармаси томонидан 2001 йил 5 сентябрда берилган серияси TS 000351 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши суднинг қонуний кучга кирган ҳукми чиққунга қадар тўхтатилди.

TURON BANK advertisement with logo and contact info

Адлия вазирлиги жамоаси Хоразм вилояти Хива шаҳар ФХДё бўлими мудири Гулсара Латиповна Салаеванинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН section with contact info for authors and subscribers